

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАЕВА ИРОДА МАМАЮНУСОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ БАДИИЯТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Пардаева Ирода Мамаюнусовна**

Алишер Навоий тарихий асарлари бадиияти ..... 3

**Пардаева Ирода Мамаюнусовна**

Художественность исторических произведений Алишера Навои ..... 23

**Pardayeva Iroda Mamayunusovna**

The literature of Alisher Navoi's historical works ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАЕВА ИРОДА МАМАЮНУСОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ БАДИИЯТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2018.3.PhD/Fil535 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қудратуллаев Ҳасан Самадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Муллаҳўжаева Каромат Тошхўжаевна**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366)239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366)239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ реестр рақамли баённомаси)

**М.Қ.Муҳиддинов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.д.

**У.С.Санақулов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодини ўрганиш беш юз йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида минглаб илмий асарлар яратилди ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир илмий-ижодий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни юқори баҳоланди. Адибнинг бетакрор шеърий-эпик асарлари қаторида тарихий-насрий асарлари ҳам жаҳон маданияти ва адабиётининг буюк обидалари эканлиги асослаб берилди. Бинобарин, Навоийнинг насрий-тарихий асарларида қадимги даврда Шарқда кечган тарихий жараёнлар улуғ мутафаккир яшаган даврнинг воқелиги ва маънавий-маърифий қадриятлари нуқтаи назаридан таҳлил этилгани унинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” каби асарларидаги тарихий воқеа-ҳодисалар ва шахсларнинг тасвири, улардаги образлар ва тимсоллар тизимини ёритиш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё адабиётшунослигида ХХI асрга келиб Алишер Навоий асарларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муаммоси юзага келди. Илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган адабий йўналишда тарихий поэтика тажрибаларини жаҳоншумул ижодкорлар асарларига уйғун татбиқ этиш, уларни композиция, сюжет, бадиий образ поэтикаси нуқтаи назаридан ўрганиш жаҳон адабиётшунослиги марказида турган долзарб масалага айланди. Мутафаккирнинг адабий-илмий, хусусан, қадимий Шарқ тарихига бағишланган насрий меросини бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш ҳам адабиётшунослик фани олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Истиклол йилларида Алишер Навоийнинг икки тилдаги (туркий ва форс-тожик) гўзал лирикаси ва юксак инсонпарвар ғояларни тарғиб этувчи эпик шеърияти ўзбек адабиётшунослигида анча чуқур, муфассал ва мукамал ўрганилган бўлса-да, шоирнинг насрий асарларининг тадқиқи етарлича изчиллик билан амалга оширилмади. Зеро, “Алишер Навоий бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ул зотнинг табаррук меросини ўрганиш, ёш авлодимизга безавол етказиш”<sup>1</sup>лозим. Шу туфайли “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” матнларининг бадиий жиҳатлари ва шоир насрий услубининг ўзига хос хусусиятларини замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2909-сон “Қадимий

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. –Б. 113.

ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодий меросини ўрганиш шоир ҳаётлигидаёқ, XV асрнинг ўзидан, улуғ адиб замондошларининг асарларидан бошланган эди. Навоий ижодиёти, хусусан, унинг насрий услубини ўрганишда биринчи манба сифатида унинг ўз асарлари хизмат қилади. Европаликлар XVI асрданок Навоий асарлари билан таниша бошлаган бўлсалар-да, лекин Навоий шеърляти ва насрий ижодий меросини ўрганиш, асосан XIX асрдан бошланган эди. Хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Ғарбда Алишер Навоий асарлари матни ҳамда бу асарлар асосида ёзилган луғатларни нашр этишга киришилди. Булардан, француз шарқшунослари Катрмер, Паве де Куртейл, турк олими Огаҳ Сирри Левенд, рус тадқиқотчилар И.Н.Берёзин, М.Никитский, В.В.Вильяминов-Зернов, Е.Э.Бертельс каби олимларнинг<sup>1</sup> хизматларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Алишер Навоий насрий асарларини ўрганишда мамлакатимизнинг олимлари Ойбек, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев; Н.Маллаев, С.Ғаниева, Э.Шодиев, Л.Халилов, М.Ҳақимов, С.Воҳидов, Р.Воҳидов, Ш.Ҳайитов, Д.Салоҳий, Қ.Эргашев ҳамда ёш тадқиқотчилардан С.Жўраеванинг<sup>2</sup> бир қатор илмий асарлари юзага келди.

---

<sup>2</sup>Ойбек. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ҳақида // Навоий гулшани. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –Б.143-149; Ойбек. Асарлар. IX том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.- Б.149-153; Маллаев Н. XV аср тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти// Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959.- Б.255-292; Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис” Алишера Навои: литературно-критической анализ и критический текст III и IV мажлисов: АКД. – Ленинград, 1956; Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималаридаги баъзи иловалар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964. -№2. Б.64- 67; Ғаниева С. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ва самарқандлик шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970.- №6.Б. 24-28; Ғаниева С. “Муншаот”да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975.- №1. Б.11-15; Ғаниева С. Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979.- №6. Б.37; Ғаниева С. Наср ва бадиият / Навоий ва ижод сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1981.- Б.64-73. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг насрий асарлари: тасниф ва тавсиф. / Мумтоз сиймолар. 1-жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. - Б.199- 233; Валихўжаев Б. Ўрта аср адабиётшунослигида тазкира // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990.- №5. Б.9 – 13; Қаюмов А. Навоийнинг умумий бир тарихга оид китоби тўғрисида// Адабий мерос, 1983.- №25. Б.18; Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. – Тошкент: Фан, 1990.- Б.69-77;

Манбаларда қайд қилинишича, Алишер Навоий тарихий мавзуда туркум асар яратиш ниятида бўлган. У “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарларидан сўнг темурийлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро давлатчилиги тарихига бағишланган учинчи тарихий асарни ёзишни ва ушбу туркумни “Зубдат ут-таворих” деб аташни мақсад қилган. Аммо Навоийнинг учинчи асарни ёзиш борасидаги нияти амалга ошмаган. “Зубдат ут-таворих” ҳозирча икки асардан иборат бўлиб қолмоқда.

Алишер Навоий насрий ижоди бўйича кенг қамровли кузатишлар олиб борган олимлардан бири А.Ҳайитметовдир. Олимнинг тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ижодий методи муаммолари, унинг адабий-танқидий қарашлари, шоирнинг “Хамса”си ва ислом таълимоти масалалари ёритиб берилган бўлиб, уларда шоир шеърӣ ва насрий услубида маъно ва бадиият бирлигининг турли кўринишлари қадимий нодир манбалар ҳамда ҳолисона илмий қарашлар асосида таҳлил этилган<sup>1</sup>.

Матншунос олим Л.Халиловнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида (1975) Навоийнинг Шарқ тарихшунослиги анъаналари асосида ёзилган “Тарихи мулуки Ажам” асари ва унинг кўлёмалари ўрганилган. Ўрта асрлар бадиий насрининг юксак намунаси бўлган мазкур асарлар сажъ усулида ёзилганлиги ва уларнинг таркибида назмий намуналар - шеърӣ матнлар ҳам ўрин олганлиги ушбу тарихий асарларнинг ўзига хос бадиий жиҳатларга эгалигидан, улуғ шоир ижодий услубининг яна бир ўзига хослигидан далолат беради ва махсус ўрганишни тақозо этади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, Алишер Навоийнинг ушбу тарихий асарлари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, бу асарларни шоир бадиий ижодининг ўзига хос, янги бир кўринишдаги намунаси сифатида бадиий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ қилиш тадқиқот ишимизнинг асосини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университетиде “Алишер Навоий даври тарихи, маданияти ва адабий муҳити хусусиятлари” асосий мавзусининг “Адабий матншунослик масалалари” йўналиши бўйича бажарилган.

---

Халилов Л. “Тарихи мулуки Ажам” асарининг матний тадқиқи. Номзодлик диссертацияси. – Тошкент, 1975; Воҳидов С. “Хамсат ул-мутаҳайирин” Навои и его роль в изучении литературных связей таджикского и узбекского народов в XV веке: АКД. – Душанбе, 1966; Р.Воҳидов. Навоийнинг икки дурдонаси. -Тошкент: Фан,1978; Ш.Ҳайитов. Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб” асарининг манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили.- Номзодлик диссертацияси. -Тошкент,1997; Салоҳий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995; Салоҳий Д. “Тарихи мулуки Ажам”нинг туркча таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006.- №3. Б.88- 90; Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам”да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талкин // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006.- Б.5. Б.22-25; С.Жўраева. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” қиссаларида илмий аниқлик масаласи”//Дастлабки қадамлар. -Самарқанд: СамДУ, 2004.- Б.18-21; С.Жўраева “Тарихи мулуки Ажам” ва “Бобурнома”да комил подшоҳ тасвири//Филологияга доир изланишлар // Самарқанд: СамДУ, 2006.- Б.44-53; С.Жўраева. Навоий тарихий асарларидаги шеърӣ парчаларнинг кофия хусусиятлари // Истиклол ва ўзбек адабиёти масалалари. -Самарқанд: СамДУ, 2006.-Б.156-157.

<sup>1</sup>Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1961; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1959.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоийнинг тарихий асарлари, уларнинг шоир ижодий меросида тутган ўрни, хусусан, бадиий ўзига хослигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг тарихий воқеа-ҳодисалар ва тарихий шахсларга бағишлаб ёзилган барча асарларини муфассал таҳлил этиш; уларни жанр, мавзу, мазмун-мундарижа ва ғоявий-бадиий йўналишига кўра тасниф қилиш;

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарларининг кўлёзма нусхалари ҳақида маълумот бериш, илмий-танқидий матнлар ва нашр нусхаларини таққослаб ўрганиш, улар орасидаги фарқларни аниқлаш;

тарихий асарлар матнидаги шеърят намуналари, халқ оғзаки ижодига хос унсурларни ҳамда “Тарихи мулуки Ажам” асаридаги маснавийни ғоявий-бадиий ва поэтик жиҳатдан таҳлил этиш;

танланган мавзу, асарларда акс эттирилган давр, воқеалар тасвир ва талқинларнинг Навоий ижодий услубига хос бадиий ифодаси хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” каби тарихий асарлари ҳамда “Хамса” асари мавзу талаби доирасида танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоийнинг тарихий воқеа-ҳодисалар ва тарихий шахсларга бағишлаб ёзилган барча асарларини мухтасар таҳлил этиб, уларнинг жанри, мавзуси, мазмун-мундарижаси ва ғоявий-бадиий йўналишларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий назарий таҳлил, матннинг поэтик таҳлили, матн талқини, автобиографик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарларида ифодаланган тарихий ҳақиқат ва маърифий ғоянинг ижодий, илмий-бадиий хусусиятлари очиб берилган;

“Тарихи мулуки Ажам” ва “Хамса” асарларида улуғ шоир услубидаги тарихий аниқлик билан ёндашув ҳамда халқчил тил ва бадиийлик тамойиллари асосланган;

улуғ адиб тарихий асарларининг ўз даври учун муҳим бўлган ғоявий-бадиий, такомил даражасига етган услубий ва мумтоз поэтик жиҳатлари асосланиб, ушбу асарлардаги шеърый матнлар поэтикасининг туркий-тарихий насрдаги бадиий-эстетик ҳамда туркий тилнинг семантик-стилистик хусусиятлари аниқланган;

Навоий тарихий асарлари қаҳрамонларининг ўзига хос миллий ва маънавий олами, уларнинг тарихий фаолияти ҳамда тақдири ҳақидаги маълумотлар “Хамса” дostonларидаги бадиий талқини билан солиштирилиб, ҳукмдорларга хос фақирсифат, дарвешсифат, адолатпарварлик, диёнат каби ижобий фазилатлар ва нодонлик, калтабинлик, худбинлик каби салбий хусусиятлар далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Италия Миллий кутубхонасидан келтирилган “Тарихи мулуки Ажам” асарининг нодир таржимаси бўлмиш “Рисолат ат-таворих” қўлёзмаси мамлакатимиз китоб хазиналарида мавжуд бўлган бошқа қўлёзма ва тошбосма нусхалари билан қиёсий таҳлил этилиб, Алишер Навоий ижодий меросига оид ҳар бир асар илмий-танқидий матнини яратишга ёки бу асарларни оммага имкон қадар тўлиқроқ ва ишончли матн асосида етказишга хизмат қилиши аниқланган;

тадқиқот жараёнида библиографик каталоглардаги, интернет сайтларидаги маълумотлар, Алишер Навоий асарлари тилига оид изоҳли ва тафсирий луғатлардан фойдаланиб, тегишли илмий натижа ва хулосалар шоир насрий асарлари бадииятини таърифлаб беришда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот натижасида олинган хулосалар адабиётшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши ва ҳозирги давр фани ривожига учун фойдали бўлган ўзига хос адабий-эстетик тамойиллар шаклланишига хизмат қилиши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарларининг барча нашр нусхалари ва улар учун асос бўлган қўлёзма ва тошбосма нусхалар, шунингдек, Италия Миллий кутубхонасидан келтирилган “Рисолат ат-таворих” асари қўлёзмаси улуғ шоир ижодий меросидаги шу мавзуга оид асарлар билан илмий-қиёсий таҳлил этилганлиги, тадқиқот жараёнида библиографик каталоглардаги, интернет сайтларидаги маълумотлар, Алишер Навоий асарлари тилига оид изоҳли ва тафсирий луғатлардан фойдаланиб илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ишда Навоийнинг икки тарихий асари ғоявий-бадиий, услубий ва поэтик хусусиятлари илк бор монографик тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлиги, асарлар мазмун-моҳиятини ёритишда илмий-қиёсий таҳлил методидан кенг фойдаланилганлиги, ҳозирга қадар шоирнинг тарихий асарлари бадиий хусусиятлари етарли ўрганилмаганлиги сабабли асарлардаги шеърининг матнлар ва уларнинг асарлар композициясида тутган ўрни масалаларига кўпроқ эътибор қаратилганлиги, тарихий асарлар қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий фаолият ва тақдирлари тўғрисидаги маълумотлар аниқ тарихий тасдиқланган далиллар асосида солиштирилганлиги билан илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Навоий тарихий асарларида кўзга ташланган халқчиллик тамойилларига эътибор қаратилганлиги ва улардаги фольклор намуналари, ҳикоятларнинг ўрни ва вазифалари муфассал таҳлил қилинганлиги, шоирнинг табаррук меросини ўрганиш, уни ёш авлодга мукамал шакл ва мазмун моҳияти билан етказиш борасида амалга оширилган илмий фаолиятда ўз ифодасини топади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

Алишер Навоий тарихий асарларининг илмий таҳлили бўйича қўлга киритилган илмий ва амалий натижалар асосида:

Алишер Навоий тарихий асарларидаги ғоявий-бадий жихатдан қўлга киритилган илмий хулосалардан ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлэзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 89-03-1358-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши натижасида “Тарихи мулуки Ажам” асаридаги тарихий ходисалар ва шахслар, Навоий тарихий асарларида кўзга ташланган халқчиллик тамойили, бу асарлардаги фольклор намуналари, ҳикоятга оид масалаларга ойдинлик киритилган.

Алишер Навоий ижодида янги қаҳрамон ва персонажлар билан мулоқотга киришиш каби усуллар воситасида бадий тимсоллар яратиш, шоирнинг эстетик ғояларини ўрганишга оид хулосалардан F-1-135 рақамли “Алишер Навоий асарларининг конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 июлдаги 89-03-2681-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек бадий насрида подшоҳлар зикри ўзига хос руҳ ва услубда мукамал бадий ифодасини топганлиги, ҳукмдор одил шоҳ образи орқали Навоий фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тасаввур ва қарашлари, ғоявий-назарий мақсадларининг очиқ берилишига хизмат қилган.

Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”нинг ўзига хос яратилиш тарихи ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига, адабий кечаларда, ёш шоир ва шоиралар билан бўлган учрашувларда маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 18 июлдаги №01-03/949-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг қўлланилиши ёш ижодкорларга Навоий тарихий асарларида шоҳлар тасвирига ўзига хос тарзда ёндашганлиги, балки халқ ва миллат фаровонлиги учун қилган эзгу амаллари ва саховатли ишлари билан белгиланганлиги ҳақида теранроқ маълумот олишга кўмаклашган.

Навоий насрий асарларидаги тарихий шахсларнинг бадий талқини бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ta’rifat” телеканалининг “Биз кимларнинг авлодимиз” кўрсатувининг Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва тарихи асарлари тадқиқига бағишланган сониди диссертация маълумотларидан фойдаланган. (ЎЗМТнинг 2018 йил 1 августдаги 02-16/385-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг эстетик савияси ошган ва телетомошабинлар аудиториясининг кенгайишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та иш, шу жумладан, 1 та рисола, ОАК эътироф этган журналларда 7 та, хорижий журналларда 4 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий қиммати, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот методлари, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Алишер Навоий тарихий асарларининг ўрганилиш тарихи”** деб номланиб, унинг илк фасли **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** ва **“Тарихи мулуки Ажам”** туркий тилдаги бадий-тарихий наср илк намунаси сифатида” деб аталади. Ушбу бобда Алишер Навоийнинг номи тилга олинган асарларнинг яратилиши маълум тарихий даврлар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлганлиги, тарихий ходисалар, асарларни ўрганиш соҳасида қилинган ишлар, шунингдек, бу соҳадаги илмий изланишларнинг шаклланиш жараёни ҳақида фикр юритилган.

Навоийнинг **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** ва **“Тарихи мулуки Ажам”** асарлари кетма-кет тарихий даврларда яратилган, асарлар нафақат ёзилиш хронологиясидан, балки воқеалар занжирининг боғлиқлиги, сюжетнинг давомийлиги билан ҳам ўзаро узвийликка эгадир.

Навоий бу асарларини ўзининг **“Муҳокамат ул-луғатайн”** асарида битта умумий ном билан **“Зубдат ут-таворих”** (**“Тарихлар қаймоғи”**) деб атади. Бу икки тарихий асар Навоий ижодий режасида бўлган, аммо ёзилмай қолган яна бир асар билан бир туркум сифатида битта умумий ном билан аталган. **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** асарнинг бошланғич қисми бўлса, **“Тарихи мулуки Ажам”** унинг давомидир.

Асарлар композицион қурилиши жиҳатидан Шарқ тарихшунослиги анъаналарига таянилган ҳолда яратилган.

Ўрта асрларда қатъий амал қилинган анъанага мувофиқ Навоий асарларини кузатадиган бўлсак, **“Тарихи анбиё ва ҳукамо”** асари Одам саловатуллоҳу алайҳнинг яратилиши билан бошланиб, сўнг набилар, улардан сўнг обидлар ва ҳакимлар тўғрисида, **“Тарихи мулуки Ажам”**да эса Эроннинг афсонавий сулоалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Алишер Навоийнинг давлат арбоби, шоир ва адиб сифатидаги фаолияти ва умуман, лирик, эпик ва насрий ижодини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш дунё адабиётшунослигида М.Никитскийнинг **“Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти”** номли магистрлик диссертацияси билан (1856 йил) бошланди. М.Никитский Хондамир, Давлатшоҳ ва Сом Мирзонинг асарларидан фойдаланиб,

шарқшуносликда биринчи бўлиб Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини бирмунча тўлароқ ақс эттирган асар яратди<sup>1</sup>.

Француз шарқшуноси Катрмер (Катрмер, Э.М.фр. *Étienne Marc Quatremère*) ўзининг 1841 йилда босилган хрестоматиясига<sup>2</sup> Навоийнинг икки насрий асарини – “Муҳокаматул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам”ни киритган. Бундан бир оз вақт кейин рус олими И.Н.Березин ўзининг “Турк хрестоматияси” китобида<sup>3</sup> Навоийнинг ушбу асарларидан бир неча парча берган.

Навоийнинг ушбу тарихий асарлари тўғрисида ўзбек адабиётшунослигида бир қанча илмий-назарий мақолалар, адабий қарашлар юзага келган. Уларда Навоий тарихий асарлари турли нуқтаи назардан тадқиқ ва таҳлил этилган. Булар жумласига Э.Е.Бертельс<sup>4</sup>, турк олими Оғаҳ Сирри Лаванд<sup>5</sup>, Н.Маллаевларнинг<sup>6</sup> асарлари, асарнинг Латиф Халилов, Т.Ғофуржонова<sup>7</sup> томонидан тайёрланган нашр нусхалари, Л.Халиловнинг<sup>8</sup> асар матний тадқиқига бағишланган номзодлик диссертацияси, Азиз Қаюмов<sup>9</sup>, Б.Валихўжаев ва Қ.Тоҳиров<sup>10</sup>, Қ.Эргашев<sup>11</sup>, Дилором Салоҳийларнинг<sup>12</sup> қатор тадқиқотлари киради.

Кейинроқ “Тарихи мулуки Ажам” ўрганилиши баробарида “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари ҳақида ҳам фикрлар юзага чиқа бошлади. Асар матнини икки марта нашрга тайёрлаган Латиф Халилов мазкур асарнинг матний тадқиқига оид номзодлик диссертациясида ва “Адабий мерос” журналида эълон қилинган мақоласида ушбу асар таркибига доир фикрларни илгари сурди.

Л.Халилов “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Ажам”ни икки мустақил асар деб ҳисоблайди. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”нинг 7, “Тарихи мулуки Ажам” нинг 19 кўлёзма нусхаси маълум эканини айтган. Хусусан, “Тарихи мулуки Ажам” кўлёзма нусхалари Тошкент, Душанбе, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург), Истанбул, Париж кутубхоналарида сақланишини билдириб, асарнинг Тошкентда сақланаётган 9 нусхасининг кўчирилган вақти, инвентарь рақамларини келтирган. Ишнинг “Тарихи

<sup>1</sup>Никитский М. Эмир Низом Эд-Дин Али Шир в государственном и литературном его значении. – СПб., 1856.

<sup>2</sup>Quatremere M. Chrestomathie en Turk Oriental. 1er fascicule.– Paris: Typographie de Firmin Didot Freres, Imprimeurs de L’Institut de France, 1841.

<sup>3</sup>Березин И.Н.Турецкая хрестоматия. 1 том.–Казань:Типография университета. 1857 //Турецкая хрестоматия.отдельное издание.2012 г.

<sup>4</sup>Е.Э Бертельс История персидско-таджикской литературы. -Москва: Наука,1960; Бертельс Е.Э. Навои и Джами // Избранные труды.-Москва:Наука,1965; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - Москва: Наука,1965; Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана //Избранные труды.-Москва: Наука,1988.

<sup>5</sup>Levent, A. S. Ali Şir Nevai.- Ankara: Türk Tarih Kurumu Basimevi, 1967.

<sup>6</sup>Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент, 1965.

<sup>7</sup>Тарихи мулуки Ажам. Нашрга тайёрловчилар: Халилов Л, Ғофуржонова Т.-Тошкент,1974.- Б.76

<sup>8</sup>Халилов Л.“Тарихи мулуки Ажам асарининг матний тадқиқи”: Филология фанлари номзоди диссертацияси. –Тошкент, 1975.

<sup>9</sup>Қаюмов А. Нодир саҳифа, Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида.-Тошкент: Фан,1991.- Б.144.

<sup>10</sup>Тарихи анбиё ва ҳукамо. Нашрга тайёрловчилар Б.Валихўжаев, Қ.Тоҳиров.- Самарқанд, 1990.

<sup>11</sup>Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам”да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талқин // Ўзбек тили ва адабиёти- №5. 2006.-Б.22-25.

<sup>12</sup>Салоҳий Д. “Тарихи мулуки Ажам”нинг туркча таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006.-№3.Б.28

мулуки Ажам”нинг танқидий матнини тузиш принципи ва текст танқиди” деб аталган фаслида асарнинг маълум 19 қўлёзма нусхаси уч гуруҳга бўлиб таснифланган.

Яқин вақтга қадар “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарига бирёклама муносабатда бўлиниб, унча аҳамиятга эга бўлмаган диний асар сифатида қараб келинди. Аммо асарнинг холисона илмий тадқиқи натижасида унда динни ва диний ғояларни ташвиқ қилиш асосий мақсад қилиб олинмаганлиги маълум бўлади. Улуғ мутафаккир бу асарда ҳам бутун ижодиётида бўлганидек, инсон улуғлигини таъкидлаган ва жамиятни шу улуғ номга муносиб бўлишга чақирган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарлари шу вақтга қадар шоирнинг тўла асарлари тўпламларида ва алоҳида ҳолда бир неча маротаба нашр этилган.

Бобнинг “Асарлар ғоявий-бадий ва композицион хусусиятлари” деб номланувчи иккинчи фаслда Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарларининг жанри, композицион хусусиятлари, асарлар матнидан ўрин олган шеърий парчаларнинг услуби ва тил хусусиятлари ёритилган.

Асарлар таркибида келтирилган шеърий матнлар донишмандлар томонидан айtilган ҳикматли сўзлар асосида қурилган бўлиб, бунга, хусусан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асаригаги “Ҳукамо зикри” бобида келтирилган кичик ҳажмли шеърларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Алишер Навоийнинг ахлоқий-маънавий ғояларидан бири-ҳирс, тамаъ, дунёпарастликка қарши кураш ушбу шеърий байтларда ҳам ўз аксини топган.

“Тарихи мулуки Ажам” композициясида Навоий ўзининг илғор ғояларини ўтмишдан сабоқ сифатида гавдалантиради, ўтмишдаги адолатли подшоҳларни, улар замонини ўз даврига қарама-қарши қўяди ва ҳукмдорларни улардан сабоқ олишга чақиради. Асарда жамиятда тинчлик, осойишталик ва ҳақиқат ўрнатиш адолатли, халқпарвар подшоҳларга боғлиқ, деган назарияни илгари суради. Навоий ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни қўйган.

Алишер Навоий лирик шеъриятини кузатадиган бўлсак, унинг мазмун ва мавзу доираси кўлами кенг ва кўп қиррали эканлигининг гувоҳи бўламиз. Биз уни алоҳида мавзулар доирасида ўргансак-да, аслида улар шоир ижодининг ягона, асл мавзуси – “комил инсон” атрофида бирлашган ва унинг муҳим талабларини асослаб беришга, кенг, атрофлича ёритишга хизмат қилган. Тарихий асарлардаги шеърий матнлар ҳам ана шундай хусусиятга эга бўлиб, “комил инсон” ва “адолатли шоҳ” мавзуси атрофида бирлашган ҳолда Навоий дунёқарашининг бутунлигича намоён бўлишида муҳим роль ўйнаган.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг иккинчи қисми “Ҳукамо зикрида” деб аталиб, унда кишилик тарихида катта шуҳрат қозонган буюк донишмандлар—Фишоғурс, Жомосп, Буқрот, Сукрот, Афлотун, Аристотелис, Батлинос, Жолинос, Батлимус, Содик Бузуржмехрларга қисқа таъриф берилади, уларнинг ҳикматли сўзларидан келтирилади. Ҳар бир тавсиф

охирида якун сифатида шоир ўша файласуф томонидан айтилган иборанинг асл маъзини ифодаловчи бир байт шеър келтиради.

Бу қисқа маълумотлар орқали шоирнинг маълум бир дидактик қарашлари ифода этилиб, у кишиларни оқилона иш юритишга даъват этади. Яна шуни қайд этиш лозимки, Навоийдек фикр дунёси кенг ва мушоҳада қуввати забардаст шоирнинг асарда пайғамбарлар ва ҳукамо-донишмандлар тўғрисидаги маълумотларни бирга бериши бежиз эмас, албатта.

Илм аҳлини қадрлаб, парваришлаб келган Навоий асарда “анбиёлар” каторида “ҳакимлар” баёнини берган, бу эса адибнинг илм аҳлини анбиёлар каби улуғлаганлигининг исботидир.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Ажам”даги шеърый матнларнинг мавзу доираси ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. Уларда илгари сурилган фалсафий-ахлоқий ғоялар Навоий руҳияти ва идеалининг бадиий инъикосидир. Уларни ўрганмоқ Навоий фалсафасини тўғри тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Навоий набилар образини яратишда ҳам бир нарсани - ўлим муқаррар эканлигини кузатади ва пайғамбарлар ҳам бу қисмат олдида ожиз эканлигини, Аллоҳ белгилаган тақдирни ҳеч бир инсон ўзгартира олмаслигини бадиий тарзда ифодалайди, шу асосда набиларнинг кўз илғамас хислатларини ҳам ёритиб беради.

Навоий тарихий асарларининг ёзилиш услуби унгача яратилган тарих китоблари услубидан анча фарқ қилади. Бу бобда билдирилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, Навоий чуқур мазмунга эга бўлган “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”ни ёзиш билан ўзбек тилида тарихий асар ёзишнинг янги бир услубини ҳам яратди.

Иккинчидан, бу асари билан Навоий ўтмишни ўз яшаган даврининг ижтимоий-иқтисодий масалаларига боғлаб ёритувчи, тарихни изоҳлашда халқ ва мамлакат манфаатларини кўзловчи тарихчи сифатида майдонга чиқди.

Учинчидан, даври ижодий услуби анъаналари чегарасида иш юритган шоир тамоман янги руҳда битилган тарихий асарларини ҳам шеърый санъатлар билан зийнатлади. Аммо бу асарлардаги бадиий безак Навоийнинг бошқа барча асарларидан поэтик жиҳатдан фарқ қилади. Тадқиқотнинг кейинги боблари ана шу масала таҳлилига бағишланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Тарихий асарларда халқчиллик тамойили ва бадиий талқин”** деб номланади. Бобнинг “Тарихий шахс ва бадиий тимсолнинг қиёсий таҳлили” (“Хамса” муқобаласида) деб номланувчи биринчи фаслида “Тарихи мулуки Ажам” асарида келтирилган тарихий шахслар, маълумотлар Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хамса” ва бошқа асарларида келтирилган бадиий тимсоллар билан солиштирилди.

Навоий қадим Эрон подшоҳлари тарихини ёритиш билан ҳукмдорларни ўтиб кетган шоҳлар ҳаётидан ўрнак олишга чақиради. Бундай ғоявий мақсад бу асардан илгари яратилган “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларида ҳам илгари

сурилган эди. Лекин уларда тарихий мақсадлар бадиий тўқима образ сифатида тасвирланган, адиб орзуларига, мақсадларига монанд кўриниш касб этган эди. “Тарихи мулуки Ажам”да эса “Хамса”даги бадиий қахрамонлар тарихий шахс ёки ҳукмдор сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Уларнинг жамиятдаги мавқеи ва ҳаётдаги асл қиёфаси муаллиф томонидан содда ва тушунарли тилда баён этилган.

“Тарихи мулуки Ажам” фақат афсона ва ривоятлардан иборат эмас, унда кўп тарихий воқеалар ва мавзулар ҳам ўз аксини топган. Бироқ Алишер Навоий “турли тарихий ва бадиий китоблардаги бу мавзуга оид тумтароқ маълумотлар гирдобига тушиб қолмайди, балки тарихий ҳақиқатни аниқлашга интилиб, кўп вақт бунга эришади. Масалан, Искандар ҳақида сўз юритаётганда унинг салтанати даврини 500 йил деб ёзган Хусрав Дехлавий ақидасини ёки “икки қарн”-олтмиш йил деб ёзган Низомий фикрини маъқулламайди”<sup>1</sup>. Навоий Искандар ҳақида ёзар экан, мазкур тарихий шахс ҳақида Шарқда кенг ёйилган афсонавий тасаввурларни, яъни у гўё 1600 йил яшагани, 500 йил подшоҳлик қилгани, айримлар уни Доробнинг, бошқалар Бозур бинни Албоннинг ўғли деб ҳисоблагани ҳақидаги маълумотларни келтириш билан бирга тарихий ҳақиқатга мос сўзларни ҳам, жумладан, унинг отаси Филипп (Навоий уни Файлакус деб атади) экани, у бор-йўғи ўттиз олти (ҳозирги ҳисобда ўттиз уч) йил яшагани ва ўн уч йил подшоҳлик қилганини тасвирловчи маълумотларни ҳам айтиб ўтади. Ажамда Кубод ва Нўширавон ҳукмдорлик қилган даврда Маздак таълимотининг кенг тарқалиши, маздакийлар ҳаракатининг Нўширавон замонида бостирилиши, Маздакнинг эса Нўширавон томонидан қатл қилиниши каби Навоий асарида баён қилинган воқеалар ва фактлар тўлиқ тарихий асосга эга. Сосонийлар Баҳром бинни Хурмуз (Варахран I), Баҳром бинни Баҳром (Варахран II), Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром (Варахран III), Насри бинни Баҳром каби шоҳларнинг ҳукмронлик даври ҳақида “Тарихи мулуки Ажам”да ёзилган маълумотлар ҳам реал тарихий воқеалар ва фактларга асосланган.

Навоий асарида келтирилган кўплаб фактик маълумотлар ҳам замонавий тарих фани тадқиқотлари натижасида аниқланган маълумотларга мос келади ёки улардан кам фарқ қилади. Буни сосонийлар сулоласига мансуб бир қатор шоҳларнинг ҳукмдорлик муддати ҳақида “Тарихи мулуки Ажам”да берилган маълумотларни замонавий тарихий тадқиқотлардаги маълумотлар билан қиёсланганда ҳам кўриш мумкин.

Масалан:

<b>“Тарихи мулуки Ажам”да</b>	<b>Замонавий тадқиқотларда</b>
Баҳром бинни Хурмуз – 3 йил	Варахран I – 274-277 (3 йил)
Баҳром бинни Баҳром – 20 йил	Варахран II – 277-294 (16 йил)
Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром – 4 ой	Варахран III – 294
Шопури зул Актоф – 70 йил	Шопур II – 309-379 (70 йил)

<sup>1</sup> Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. 1-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.-Б.304.

Шопур бинни Шопур – 5 йил	Шопур III – 383-388 (5 йил)
Баҳром бинни Шопур – 12 йил	Варахран IV – 389-399 (10 йил)
Яздигирд бинни Баҳром - 20 йил	Яздигард – 399-421 (22 йил)

Манбаларни қиёслайдиган бўлсак, улар орасида унчалик катта фарқ мавжуд эмас, бир неча йил ҳисобига бир-биридан фарқланмаса, улар деярли бир хил кўрсаткичга эга.

Навоий асарда Эрон подшоҳларидан олтмиш бештасининг номини қайд этади. Улар, жумладан, тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар авлодларидандир. Хусусан, шоир “Тарихи мулуки Ажам”да “Хамса”сининг иккинчи достони “Фарҳод ва Ширин”нинг бош қаҳрамонларидан бири бўлган эроний подшоҳлардан Хусрав Парвиз бинни Хурмуз ҳақида сўз юритади. Хусрав Парвиз эроний подшоҳларнинг тўртинчи табақаси - сосонийлар сулоласидан бўлиб, Анушервоннинг невараси бўлган. У 590 йилда тахтга чиққан ва 628 йилда ўз ўғли Шеруянинг буйруғи билан қатл қилинган.

Навоий зикр этган подшоҳларнинг ўрнини, мавқеини илм-маданиятни ривожлантириш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш учун нима иш қилди, халқнинг моддий турмушини яхшилаш, мамлакат иқтисодини юксалтириш, мамлакатни адолат билан бошқардимиз ёки адолатсизлик биланми, деган асосий ижтимоий масалалардан келиб чиқиб характерлайди. Навоий подшоҳларнинг тарихдаги ўрнини бузғунчиликлари, уларнинг қонли урушлари билан ўлчамайди, балки ариқлар қаздириб, юртни обод қилганлиги, тошдан темир чиқарганлиги, китоб битгани, ёғочдан уйларга эшик ясаганлиги, шаҳар ва кентлар қургани, конлар топиши, тўқимачиликни ихтиро қилганлиги, боғу бўстонлар яратганлиги, катта бинолар қургани, деҳқончиликни, хунармандчиликни ривожлантиришга аҳамият берганликлари билан белгилайди.

Ҳукмдорларни одил ва золим шоҳлар гуруҳига ажратишда, аввало, шоир юқорида қайд этиб ўтилган етти банддан иборат адолат ҳақидаги ғоявий фикрлар тизимига асосланади. Ана шу ғоявий фикрларга таянган ҳолда шоир султонларни одил ва золим подшоҳлар сифатида тилга олади. Одил шоҳлар қаторига Хушанг, Тахмурасп, Жамшид, Зоб бинни Тахмосб (пешдодийлар), Баҳмон, Дороб, Искандар (Каёнийлар), Гударз бинни Уйғур, Еронни бинни Ялош, Фируз бинни Хурмуз (ашконийлар), Шопур бинни Ардашер, Баҳром бинни Яздигирд, Яздигирд бинни Баҳром, Фируз бинни Яздигирд, Нўширавон ул-одил бинни Кубод (сосоний)лар киритилган. Золим шоҳлар сирасига эса у Захҳок бинни Мародис, Доро бинни Дороб (пешдодийлар), Баҳром бинни Шопур, Яздигирд бинни Баҳром, Хурмуз бинни Анушервон (сосонийлар) қабиаларни киритади.

Асарда Навоий одил шоҳлар тасвирига кенг ўрин бериб, уларни бадий тимсол даражасига кўтаради, одиллик, адолат рамзига айлантиради.

Умуман, Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида одил ва золим подшоҳлар ҳақида сўз юритар экан, улардан замона шоҳлари ибрат, ўрнак олиши лозимлигини назарда тутди.



Аввало, буюк мутафаккир асарини ўқиб чиққан китобхон илмий-тарихий жиҳатдан маълум билим ҳосил қилади, Эрон шоҳлари тарихидан хабардор бўлади. Шунингдек, тарбиявий жиҳатдан, ибрат нуқтаи назаридан ҳам маълум хулоса ва яқуний мулоҳазаларга келади. Асосий хулосалардан бири шундан иборатки, шоир тарихий асарларида камолот соҳиби бўлган инсонлар-пайғамбарлар ва ҳақимлар қаторида ҳокимият, давлат, халқ, жамият ва бошқарув усуллари ҳақида ўзининг аниқ илмий мулоҳазаларини очик-равшан баён этади.

Бобнинг “Тарихи мулуки Ажам”даги маснавий талқини” деб номланувчи иккинчи фаслида асардаги шеъринг парчаларнинг бадииятига алоҳида эътибор қаратилган. Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида ўзи кўришни орзу қилган ана шундай камолот (дарвешлик ва шоҳликни ўзида намоён қила олган)га эришган идеал шоҳнинг мукаммал тасвирини беради. Адиб орзусидаги идеал шоҳ, кўпинча, Шоҳ Ғозий ёки Искандар тимсолида акс этирилган. Темурий шоҳлардан бири Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеъротидаги бадиий тимсоли Шоҳ Ғозийдир.

Тасаввуф адабиётида азалдан шоҳ ва дарвеш образи бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Бунинг сабаби: шоҳ-дунё тимсоли бўлса, дарвеш - Илоҳнинг мазҳари. Шоҳ ўзининг тожу тахтига, молу дунёсига хурсанд бўлиб, Ҳақни унутган. Воқеан, дунё ва нафс – Аллоҳни билиш, англаш йўлида парда, тўсиқ. Дарвеш эса, аксинча, Худо ишқида дунёни тарк этган, нафс хархашаларидан қутулган. Шунинг учун ҳам, дарвеш Ҳақ йўлида тургани, Аллоҳга яқинлиги, қалби илоҳий ишққа лиммо-лим эканлиги билан амал ва мартаба қули бўлган, дунё ва нафс чирмовуқлари билан ўралган, илоҳий ва маърифат нуридан маҳрум шоҳдан устун ва афзал. Уни бу дунёнинг ҳою ҳаваслари, ўткинчи бойликлари қизиқтирмайди. У хазина тўплаш дардида эмас, балки Ҳақ дарди билан яшайди. У доимо ёдида, қалбида Аллоҳни зикр этиб туради.

Навоий дарвешдаги худди ана шу хислатнинг подшоҳда ҳам акс этишини истайди. Шоҳ қалбидаги Аллоҳга бўлган муҳаббат ва ишонч унинг одил ва ҳаққоний йўл тутишида, шунингдек, холис ҳукм чиқаришида муҳим сабаб бўлади.

Навоийнинг замондоши ва дўсти Ҳусайн Воиз Кошифий фақрнинг моҳиятини шундай тушунтиради: “Агар фақрнинг аломати неча деб сўрасалар, учта деб айт: биринчиси – меҳрда қуёш каби бўлсин, зеро қуёш ҳамиша беминнат нур сочади, ҳеч кимни ўз нуридан бебаҳра қолдирмайди. Иккинчиси – ер каби тавозуъли бўлсин, зеро ерга оёқ қўйган ҳар одам яхши ва ёмон ҳақида ўйлайди ва ўз мақомидан силжимамайди. Учтинчиси - булут каби сербарака, саховатли бўлсин, зеро булут хўлу қуруққа баравар раҳмат ёмғирини ёғдиради ва гўристон билан гулистонни ажратиб ўтирмайди”<sup>1</sup>.

Демак, Навоий орзусидаги шоҳда фақрликнинг муҳим фазилатлари: қуёшдек меҳрибон, булутдек ҳаммага бир хил меҳр-шафқатли, тупроқдек хокисор, саховатли ҳамда Ҳақ маърифатига интилувчан бўлишини истайди.

---

<sup>1</sup>Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ХМН, 1994. Б.21.

Навоий бу билан фақр ва дарвешлик сифатларини ўзида мужассам этган, етук маънавий комилликка эришган, яъни сурати шоҳ, сийрати дарвеш қиёфасидаги мукамал подшоҳ образини яратади.

Шу ўринда, Навоий ўзи орзу қилган комил подшоҳни ҳаётда учрата олдимиз, деган савол туғилади. Навоий шундай ёзади:

*Вале қилмади шоҳлардин киши,  
Ки бу иш эрур Шоҳ Ғозий киши.<sup>1</sup>*

Тарихда ўтган шоҳлардан ҳеч бири Навоий идеалини ўзида мужассам эта олмаган эди. Фақат Шоҳ Ғозийгина шоирнинг орзусини амалга ошира олди. У Навоий орзусидаги фақрсифат, дарвешсифат подшоҳ, адолатли ҳукмдор.

Навоий Шоҳ Ғозий тимсолидаги Ҳусайн Бойқарони муайян маънода одил давлат ҳукмдори, комил инсон сифатида тасвирлашда биринчи ўринда тарихий ҳақиқатга таянган бўлса, иккинчидан, бадий муболағадан кенг фойдаланган.

Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқародаги ижобий фазилатларни бўрттириб тасвирлашдан асосий мақсади уни ана шундай комиллик сари чорлашдан иборат эди. Шоир таъриф-тавсифда давом этиб, шундай ёзади:

*Демай айни инсонки инсонини айн,  
Ҳам инсонун ҳам айн Султон Ҳусайн.<sup>2</sup>*

Байтда “айн” сўзи икки маънода қўлланган. Биринчи мисрада “кўзгу” маъносида, иккинчи мисрада “моҳият” маъносида ишлатилган. Яъни Шоҳ Ғозий “айни инсон”ки, асл шундай инсонки (яъни инсонларнинг асли), у “инсонини айн”-инсонларнинг кўзгуси (яъни одамзоднинг кўзгуда акс этган асл жамоли, кўриниши). Ҳам инсон, ҳам “айн Султон Ҳусайн” - Султон Ҳусайн Бойқаронинг моҳияти, ички кўринишидир. Яъни инсонийлик Ҳусайн Бойқаронинг ички кўриниши, шоҳлик эса унинг ташқи суратидир.

